

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан • № 94 (5. 985) • 1986 йил 23 апрель, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Ленин таълимоти ва иш миллионларнинг революцион иқидиётида мукассамлашмоқда. Халқ омисининг йўлбошчиси — Владимир Ильичнинг номи бутун инсоният бахт-саодати йўлидаги курашнинг зафарли байроғи бўлиб қолди. Маркс ва Энгельс ишининг гениал давомчиси ишчилар ҳаракатининг социалистик революция назаари билан, ушбу таъинчилик проблемаларига илмий қарашлар системаси билан қўрланган. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосини, жаҳонда биринчи социалистик давлат ҳиддорори В. И. Ленин асарларидан Ер юзи халқлари ҳозирги замоннинг тўмасаларига жавоб топмоқдалар.

КПСС фаолияти дохйи васиятларига садоқат руҳи билан сугорилган. Совет кишилари партия XXVII съездининг қарорларини амалга ошира бориб, В. И. Лениннинг ўлмас асарларидан куч ва илҳом олмақдалар. КПСС Программасида таъкидланганидек, тарихий ривожланишнинг янги босқичида партиянинг, совет халқи олдида социалистик жамиятни ҳар томонлама такомиллаштириш, унинг имкониятлари ва афзалликлари билан коммунизм сари янада олға силжиш мақсадлари йўлида тўбора тўлиқ ва самарали фойдаланиш вазифаси кун тартибига қўйилди.

Совет кишилари В. И. Ленин туғилган кунининг 116 йиллигини мамлакатини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш учун кураш авж олиб кетган бир вазиятда қўтиб олдилар. 22 апрель кунини Кремлнинг Съездлар саройида шонли санага бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Москва шаҳри ва областдаги ишлаб чиқариш илгўрлари, КПСС ветеранлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қўролли Кучларининг жангчилари шу ерга йиғилдилар. Ажнабий дипломатлар, чет эллик меҳмонлар ҳам ҳозир бўлишди.

Соат 17. Тантанали мажлис қатнашчилари М. С.

Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воронников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. Н. Ельцин, С. Л. Соколов, Н. В. Талкин, А. П. Бирюков, А. Ф. Добринин, М. В. Зиямнин, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев ўртоқларини, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси Н. В. Капигоновни қарсақлар билан табриклар қўтиб оладилар.

Афғонистон Халқ Демократик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, Афғонистон Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси С. А. Кештмаид ҳам президиумдан жой оладилар.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, КПСС Москва шаҳар ва Москва области комитетларининг секретарлари, Ленин партиясининг ветеранлари, ишлаб чи-

қариш илгўрлари, таниқли олимлар, маданият арбоблари, ҳарбий бошлиқлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам шу ерда.

Тантанали мажлиснинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин очди.

Кремлнинг Съездлар саройи гўмбазлари остида Совет Иттифоқи Гимни тантанавор янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР таъиниш ишлар министри Э. А. Шеварднадзе «Жадаллаштириш стратегияси — амалдаги ленинизм» мавзуда доклад қилди.

Доклад зўр эътибор бериб тингланди ва бир неча марта давомли қарсақлар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб завқ-шаўқ билан «Интернационал»ни қўйлайдилар.

Сўнгра катта байрам концерти бўлди.

(ТАСС).

ТОҲҒИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ ГБСП Марказий Комитетининг таклифига биноан Германия Бирлашган социалистик партияси XI съезди ишида қатнашган КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг 22 апрель кунини Берлиндан Москвага қайтиб келганлиги ҳақидаги хабар ва Берлиндаги 7 Октябрь номидаги станоксозлик комбинатида бўлган митингда ўртоқ М. С. Горбачев сўзлаган нутқ эълон қилинган.

▲ 22 апрель кунини Тошкентда республика партия-хўжалик-активининг йиғилиши бўлганлиги ҳақидаги ҳисобот ёритилган.

▲ Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг республика санаотида 1986 йил I квартал давлат планининг бажарилиш якулари тўғрисидаги ахбороти босилган.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат санаоти бўлими мураббитининг ўринбосари С. В. Засухин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Г. З. Захриддинов, И. А. Каримов, Қ. А. Махаммадиев, В. И. Оғарок, С. У. Султонова ҳозир бўлидилар.

(ТАТА).



Тикувчилик унинг ёшлик орзуси эди. Жажжи қизалоқлигидаёқ кийим тикиниши ёқтириб қолган Ноила онаси тикув машинаси ёнига яқинлашиб дегунча рўпарасига ўтириб олиб унинг қаққон ҳаракатларини кузатиб турарди. Онаси ўз ишига моҳир эди. Машинани осойилкача ўз ихтиёрига юртза оларди.

Ҳеч ким йўлидаги Ноила ҳам тикув машинасини ишлатиб қўраб, ўнг қўли унинг йилдирагани анча енгил айлантирса-да нана ботуви ҳар хил чиқар, ҳуллас ўрганич матода гади-будур тикувлар пайдо бўларди.

Тақдирини қарангки у тикувчи бўлмади. Ўзининг синфини тугаллаш арафасида Ноила мактабдошлари билан Тошкентдаги «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг офсет фабрикасига экскурсияга келди. Корхонадаги қатор-қатор машиналар, дастгоҳлар барчани ўзига ром этди. Айниқса Ноила улар ишга узок тикилиб қолди. Ишчиларнинг қаққон ҳаракати, ўзи тенги қизларнинг

елиб-югуриши ва дастгоҳларни осойилкача юргизиши қизни бутунлай ўзига мафтун этиб қўйганди. У ўша кунини биринчи марта ишчи бўлишини дилга тутиб қўйди. Ноила етуқлик аттестатини қўлга олиши билан ўша фабрикага ишга келди. Эртасидан корхонанинг муқовалаш цехида иш бошлади. У ўзининг тиришқоқ ва қаққонлиги билан коллектив орасида обрў қозонди. Билмаганини тажрибали кишилардан ўрганди. Касбига ихлос қўйди, меҳнатдан чарчамади.

Ноила тез орада тилга тушди. Илгўрлар сафидан ўрни олди. Унга комсомол-ешлар бригадасига бошчилик қилишни ишониб топширишди. Ҳозир унинг коллективини корхонада зинг илгўр. Бригада аъзолари кунли план-топшириқларини ҳаминиша ортири билан адо этишади.

СУРАТДА: комсомол-ешлар бригадасининг бошлиғи Ноила Маскудова ўз коллектив орасида.

Т. Каримов фотоси.

Санъатнинг сеҳрли олами

Металлурглр мамнун

Тошкент оперетта театри спектакллари пойтахт областининг қатор корхоналари ва хўжаликлари саҳналарида ҳам муваффақиятли намоёиш қилинмоқда. Ижодий коллективнинг Бекобоб шаҳрига қилган гастрол ҳам қўпчиликни мамнун этди.

Металлурглр маданият саройида актёрлар бир неча қўвмоқ постановкаларини қўрсатдилар. Театр репертуари-

дан мустақкам ўрин олган «Балдер» опереттаси бекободлик томошабинларга манзур бўлди.

Гастроль давомида санъаткорлар «Циган-премьер», «Циган барони» каби спектакллари ҳам қўрсатишди. Томошалар репертуарига «Золушка» опереттасининг киритилиши кичик томошабинлар — болаларни беҳад қувонтирди.

Ёрқин тақдир лавҳалари

Республикаимиз колхоз ишлаб чиқаришининг моҳир ташкилотчилари қаторида ёрқин тақдир эгаси М. Л. Пулгачёвнинг номи ҳам фахр билан тилга олинди. Мана, бир неча йилдирки, қалби оташ бу аёл Тошкент областидан хўжаликлардан бирига тадбиркорлик билан раҳбарлик қилиб келмоқда.

Дала миришкорлари меҳрмуҳаббатини қозонган ранса катта ҳаёт йўлини босиб ўтди, хўжаликни илгўрлар сафига олиб чиқди. «Маша, Мария, Марям» деб номланган ҳужжатли фильм ана шулар ҳақида ҳикоя қилди. Янги лента Ўзбекистон ССР Илмий-оммабои ва ҳужжатли фильмлар студиясига яратилди. Режиссёр Ш. Маҳмудов экран асарини постановка қилиш жараёнида М. Пулгачёвнинг кўп қиррали кўшигини меҳнат фаолиятини атрафлича олиб беришга ҳаракат қилди. Маэкур картинада қардошлиқ тўғрисида, яқин дўстлик садоқати ҳам жонли лавҳалар орқали тартанган этилган.

С. ОДИЛОВА.

Фильмларга қизиқиш

Экран асарларини омма-таърифида турли метод ва усуллардан кенг фойдаланиш мумкин. Бу борада шахримиз маданият саройларида ҳам бой тажриба ортирилади. Шу ўринда Тошкент аргетат заводи маданият саройида амалга оширилаётган тадбирларни кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Маданият ўчоғида тематик кўрсатувлар, кинофестиваль ва кинопрограмма кечаларини ташкил этиш, илмий-ом-

мабои ва ҳужжатли, қисқа-метражли ленталарни намоёиш қилиш йўлига қўйилди. Собир Раҳимов район прокуратураси, суди ва ички ишлар бўлими билан яқин ҳамкорликда ўтказилган «Фильмни биргаликда муҳокама қиламиш» деган кеча эса қўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ўша кунини «Қўппа-қўдуду кунини» деб номланган фильм намоёиш этилиб, у ҳақда қизгин фикр алмашинди.

Ўқитувчилар учун қўлланмалар

Мактаб ислохотида ўқувчиларга гингеник таълим ва тарбия беришнинг гоат муҳимлиги кўрсатиб ўтилган. Чиндан ҳам соғлом ёшликни таъминлаш жараёнида бу борада ишлар билим ва машғулотлар алоҳида ўрин тутди. Педагогик коллективларнинг гингеник тарбия бўйича методик адабиётлари билан қўрланган таъриш мақсадида қатор нашрлар чоп этиш қўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Маориф ва Соғлиқни сақлаш ми-

нистрликлари ҳамкорлигида босмага тайёрланган бир неча қўлланма аяқида кўп нусхада чиқарилади. Ўзбекистон ССР «Медицина» нашриёти тақдим этган бу китоблар орасида «Ўқувчи таълим мактаблари юқори синфларида гингеник масалалари бўйича биология дарсини ўқитиш доир методик тавсиялар» (муаллифлари М. Ортиқов, Д. Шарипова) ҳам бор. Унда гингеник тарбия билан боғлиқ темалар атрафлича ёритилган, Шунингдек,

қўлланмада мактаб программасига янги киритилган «Онданвий ҳаёт этикаси ва психологияси» курси бўйича ҳам зарур маълумотлар берилган. Нашриёт чоп этган «Ўқувчи билиб қўй», «Болалар тарбиясида санитария-гигиена режими», «Мактаб ўқувчиларининг касб танилиш тўғрисида врач маслаҳати» каби китоблар республикаимиз ўқитувчилари учун методик қўлланма бўлиб қолди.

А. АЛИЕВ.

Македония телевидениеси кунлари

Ўзбекистонда Македония Социалистик Республикасининг телевидениеси кунлари бошланди.

Телеомошбинлар ўз экранларида халқ ҳокимияти ташкил топгандан бери ўтган қирқ йил мобайнида эконимика ва маданиятни ривожлантиришда қардош республикаларининг таълим ва тарбия беришнинг гоат муҳимлиги кўрсатиб ўтилган. Чиндан ҳам соғлом ёшликни таъминлаш жараёнида бу борада ишлар билим ва машғулотлар алоҳида ўрин тутди. Педагогик коллективларнинг гингеник тарбия бўйича методик адабиётлари билан қўрланган таъриш мақсадида қатор нашрлар чоп этиш қўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Маориф ва Соғлиқни сақлаш ми-

нистрликлари ҳамкорлигида босмага тайёрланган бир неча қўлланма аяқида кўп нусхада чиқарилади. Ўзбекистон ССР «Медицина» нашриёти тақдим этган бу китоблар орасида «Ўқувчи таълим мактаблари юқори синфларида гингеник масалалари бўйича биология дарсини ўқитиш доир методик тавсиялар» (муаллифлари М. Ортиқов, Д. Шарипова) ҳам бор. Унда гингеник тарбия билан боғлиқ темалар атрафлича ёритилган, Шунингдек,

Алло, редакциями?



33-99-42,
32-53-66

Халқ фаровонлигини ўйлаб

Эртага, 24 апрель кунини соат 17 дан соат 19 гача бизнинг жамоатчилик редакциямизда сиз, азиз оқшомхонларнинг Ўзбекистон ССР социал таъминот министри, уруш ва меҳнат ветеранларига қўмақлашувчи жамоатчилик советимиз раиси Хосият Ёқубовна Ёқубовна ва ва министри аппаратининг етакчи ходимлари билан учрашув бўлади. Сиз социал таъминот масалалари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар ҳусусида мууро-мават қилишингиз мумкин.

33-99-42 ва 32-53-66 телефонлари орқали қўнғироқ қилинг. Агар бу телефонлар банд бўлса яна ва яна телефон қилаверинг. Телефонларимизнинг яхши ишлаётганлигидан ҳа-миз миннатдор.

барингиз бор, албатта. Лекин сиз қўнғирок қилаётган пайтингизда у банд бўлиб турган бўлса, билингки, шу пайтда бошқа бир ҳам-шахрингиз ўз саволлари билан мууромават қилаётган бўлади. Агар бордию сиз белгиланган ана шу кичи соат нимада қўнғироқ қилмакчи, қолсангиз редакцияга ўз саволларингизни, тақдирингизни ёзиб юборинг. Биз эса сиз йўллаган фикр ва мулоҳазаларингиздан социал таъминот министрилик ходимларини хабардор этамиз. Фақат конвертга «Алло, редакциями!» деган сўзларни ёзиб қўйишни унутманг.

Шундай қилиб азиз оқшомхонлар, эртага биз сизларнинг қўлдан-қўп қўнғирокларингизга-миз миннатдор.

1 МАЙ ЗАРБДОР МЕХНАТ ВАХТАСИДА ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ 12-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ НАЗИМ ВЕЛИЕВ БОШЛИҚ ҚУРУВИЧЛАР БРИГАДАСИ ТОЛЪАТТИ ШАҲРИДАГИ ВОЛГА АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИДАН НАМУНА ОЛИБ ЙИЛ МОБАЙНИДА БУШ ҚУНЛАРИДА ТУРТ КУН СОЦИАЛ-МАИШИЙ ОБЪЕКТЛАРДА ИШЛАБ БЕРИШ МАЖБУРИЯТИНИ ОЛДИ.



12-трест. 52-қурилиш бошқармаси. Назим Велиев бригадаси ташаббус билан чиқди. Дастлаб бу ташаббус Куйбисинг шаҳрида турган эди. Бу ташаббус ўртоқ М. С. Горбачевнинг Толъатти шаҳридаги Волга автомобиль заводи меҳнатчилари билан бўлган учрашувга тилга олинди. Заҳид бригадирлари Виктор Федорович Чванов ва Сергей Иванович Агаповлар ўз ўртоқлари номидан сўзга чиқиб, бу йил бўш қунарларда камиди тўрт кун касалхона, мактаб ва маданият уйлари қурилишида ишлаб беришни таклиф этдилар.

Қанотли ташаббус. Унинг парвози ҳаминиша баранд бўлади. Шаҳримизда унн биринчи бўлиб қурувчи Барсуков ва қўллаб-қувватлади. Ҳозир бу ташаббус бошқа коллективларда ҳам қўл оч ёймоқда.

Бригада трестда таниқли. Қурувчилари тилга тушган. Топширилган ишни ҳамма вақт қўйилмакчи қилиб бажаришади. Сифат ҳаминиша эътиборда. Шунинг учун ҳам бригада меҳнатчиларидан биринчи бўлиб қўллаб-қувватлади. Бригадир бизни коллектив билан таништирди. Виктор Конов — рус. Асан Бахамов — қозоқ. Азиз Мирзаев — бек. Зула Сетторов — татар. Интернационал бригада. Ахли коллективнинг 12 аъзоси бор.

Татьяна Владимировна билан, сўхбатлашамиз. Етти йилдан бери қурилишда ишлади. Коммунист. Касбига меҳр қўйган лешқадам пардозловчи. Смена топшириқларини ҳаминиша ортириб адо этади. Турмуш йўлидан Виктор Павленко ҳам қурилишда ишлади. 2-ўйсалик комбинатининг 3-қурилиш бошқармаси қурувчиси. Иккинчи ёшнинг тақдир ҳам бир хил. Улар иш жараёнида бир-бирлари билан танишишган. Улар ўртасидан севги меҳнатда синалган. Ҳозир оилада икки фарзанд бор. Павел иккинчи синфда ўқийди. Светлана эса уч ёшга тўлапти.

Бригадир Назим Велиевнинг тақдир бошқароқ. У 1966 йилдан бери қурилишда ишлади. Ўшанда у ёш йигит эди. Тошкент зилизласи эсида.

тиқ мусобақани авж олдириб, меҳнатда самаралар ютуқларини қўлга киритди. «Сифат—бош мезон», «Беш кунлик план—тўрт кунда» ташаббуси ҳам бригада азаматини эътиборидан четда қолмади. Мана энди янги ташаббус.

Бригадамиз аъзолари ишдан бўш қунарларида камиди тўрт кун мактаб, боғча, касалхона ва маданият уйлари қурилишида ишлаб беришга аҳд қилдилар. — дейди бригадир. — Биз хоҳлаган дам олиш кунини ишлашга тайёрмиз. Лекин қайси объектларда меҳнат қилишимиз ҳозирча номаълум. Йил қунарларида трест бу объектларни бизга аниқ белгилаб бериши. Коллективнинг тахминий режаси — май ойининг учинчи ҳафтаси дам олиш кунини меҳнат кунига айлантириш.

Бригадага ҳаминиша масъулиятли участкалар топширилади. Ҳозир у шахримиздаги йирин корхона учун қурилайётган ошхонада пардозловчи ишларини олиб борапти. «Объектни белгиланганда бир ҳафта илгўр фойдаланишга топширамиз». Бу бригада аъзоларининг шiori.

Хаминиша шундай бўлади. Бригада янги объектда иш бошлаши билан шу шioriни ўртага ташлайди. Барча унн қўллаб-қувватлайди. Бригадада сўз ва иш бирлиги мавжуд. Ваъда қозонда қолмайди. Амалда бажарилади. Шунга яраша ҳаракат, шунга яраша иш тақсимланади.

Бригада юқумли касалликлар шифохонаси корпусида ҳам, студентлар шаҳарчасидаги ошхона қурилишида ҳам, Чилонзорнинг 12-қаватлидаги кутубхонаси бунёд этишда ҳам шунга амал қилди.

Бригаданин олдй иш кунини. Ҳамма ўз иши билан банд. Белгиланган вазифани бажариш — мажбурий. Ишни муддатидан олдин ўриналганларга ихтиёрига қўра қўшимча иш белгиланади. Бу пиландан ташқари. Бу ҳар кимнинг хоҳишига қўра.

— Ютуққа қандай эришялсиз? Унинг сирини нимада? Кўнунча шу анъанавий савол билан бизга мууромават қилишади. Уларга жавобини битта. Иш вақтинини қадрлаш. Илгўр усуллардан фойдаланиш. Интизом, сифат. Энг муҳими меҳнатни тўғри тақсимлаш. Ютуқларимиз гарови мана шунда, — дейди бизга Татьяна Владимировна Барсукова.

М. КОМИЛЖОНОВ.
СУРАТДА: ташаббускор бригада аъзолари.
М. Нуриддинов фотоси.

Партия турмуши: КПСС XXVII съезди белгиланган йўлдан

Конкрет иш программаси

Шу кунларда барча меҳнат коллективлари қаторида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг цехларида ҳам партия XXVII съезди муҳокамасига бағишланган очик партия йилликлари бўлиб ўтди. Съезд ўртага қўйган вазифаларнинг янгилиги, миқёси ва мураккаблиги ҳамма жойда зўр куч-ғайрат, собитқадамлик, фидокорлик билан иш юритишни тақозо этади. Бу ўтаётган очик партия йилликларида қайта-қайта таъкидланаяпти.

... Биз корхонанинг бичув цехида бўлдик. Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати Г. Закритная партия XXVII съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан цех коммунистлари, бутун коллектив олдида турган вазифалар ҳақида доқдла қилди. Шундан сўнг кизнинг музокаралар бошланди. Хўш, бу йилликлда нимага асосий эътибор қаратилади? Коммунистлар ҳам, партиячилар ҳам унда кизнинг мафбатдорлик билан қатнашди. Мавжуд камчилик ва нуқсонларни аямасдан жиддий таниқ қилди. Фақат бу цехдагина эмас, бошқа цехларда ҳам бўлиб ўтган йилликларида интизомни мустақамлаш, ўзаро талабчанликни ошириш ҳақида кизнинг сўз борди.

корлик кўрсатётган коммунистлар бу ерда оз эмас. Флора Полтаева, Полина Новосельцева, Лилия Халилова сингари коммунистлар коллектив ўртасида катта ҳўрмат қозонган. Бироқ сўзга чиққанлар меҳнат интизомини бузаётган, ишга лоқайд қараётган кизиларнинг номларини ҳам рўй-рост гапириб ўттиди. Масалан, бичув цехида Зуева, Шин, Азизов ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Коммунист, мастер Т. Суркова ва цех бошлигининг ўринбосари Г. Лукиналар эса меҳнатни ташкил этишдаги нуқсонларни кескин таниқ қилишди. Ишлаб чиқаришда тартиб-интизом ўрнатилмаётгани учун ҳам иш самарадорлиги ва маҳсулот сифати пайаси моқда.

Мастер М. Поздняк эса «Меҳнат интизомини бузаётганлар орасида коммунистлар ҳам борлиги ачинарли ҳолдир, деди. Иш вақтида корхона территориясида беркор юришлар, ошқонага эрта тушиб-кеч қайтишлар, ишга кечикиб келишларга бутунлай барҳам бериш керак».

Биз бундай интизомни бузувчиларни кечиктирмай муҳокама қилишимиз, — деди М. Поздняк. — Бироқ бизда ҳали меҳнат интизомини бузишларига бутунлай чек қўйиш учун мустақам асос яратилмаган.

Цех партия ташкилотининг секретари Флора Полтаева эш ўринбосарлар тарбияси ҳақида жон қўйдириб гапирди. Бунда у ўз-ўзини танқид рўқида бу ишга ўзининг ҳам унчалик эътибор бермаганлигини тан олди. Бироқ шуниси афсусланарлики, у камчилигини йўқотиш учун қандай тадбирлар кўрмоқчи эканлигини йиллиқ қатнашчиларига айтмади.

3-тикувчилик цехидаги очик партия йилликлари ҳам ўз-ўзини танқид рўқида ўтти. Коммунист, цехнинг катта мастери З. Мусаева бу

тун коллектив партия XXVII съездининг бой таассуроти билан яшаётганлигини, унинг қарорларини тўла ва қизгин қўллаб-қувватлаганини кизларини алоҳида таъкидлади. Бу ерда кўпчилик тикувчиларнинг иш мароми яхши. Бироқ, сўзга чиққанларнинг гапларидан шу нарса маълум бўлдики, бу ерда маҳсулот сифати ҳали кўнглидагидек эмас.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев Толъятти шаҳри меҳнаткашлари билан учрашувда сўзлаган нўқтида энг муҳим вазифа — маҳсулот сифатини ошириш эканлигини таъкидлади. Цех раҳбарлари, барча тикувчилар сифат масаласига биринчи галда эътиборни қаратишлари керак.

Маҳсулот сифати, иш мароми энг аввало меҳнат интизомига боғлиқдир, — деди ишда катта мастер З. Мусаева ва мастер М. Сиддикова, цехимиз раҳбарлари энг муҳим вазифа ишга ўтишлари керак. Иш вақтида бунда сарф қилаётганлардан каттик туриб талаб қилишлари керак. Айниқса эш тикувчиларни тарбиялашда

юзакчилик мавжуд. Бунга ҳам барҳам бериш керак.

6-цехда меҳнат интизомини бошқа цехларга қараганда дуруст йўлга қўйилган. Аммо цех партия ташкилотининг секретари А. Қирштейн бу билан мутлақо кифоялиниш мўмкин эмаслигини таъкидлаб ўтди. Цех коллективи йиллик планини муддатидан илгари бажариш, меҳнат унўмдорлигини планга қўшимча суратда оширишга аҳд қилган. Партия ташкилоти бу режаларни амалга ошириш учун ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга эътиборни қаратмоқда.

Эксперименталь цехининг бошлиғи Г. Протасова партия XXVII съезидан кейин цех коллективи ишда қандай ўзгаришлар бўлганлиги, интизомини ошириш, кадрларга талабчанлик, мастерлар масъулиятини ошириш бораида қандай тадбирлар кўрилгани ҳақида гапириб берди.

Бизни ютуқларга эришган бўлса-да ҳали хотир-жамликка эришиш учун ҳеч қандай асос йўқ, — деди шу цех ишчиси коммунист И. Попова. — Бизда ҳам

иш пайтида беркор юришлар ёки дастгоҳ ёнида тўла қувват билан ишламаслик ҳоллари мавжуд. Бунга барҳам бериш учун ишчилар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш керак. Биз ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили учун ўз зимамизга катта мажбуриятлар олганмиз. Планини муддатидан илгари бажариш, маҳсулот сифатини ошириш ҳар биримиздан ишда тўб бурилиш ясашни тақозо этади. Биз учта янги модель тайёрладик. Шаҳар аҳолисини маҳсулотларимиз билан қўвонтиришга интилаяпмиз.

Биз барча коммунистлар билдирган фикр ва мулоҳазаларни яқунлаб шундай ҳулосага келдикки, бирлашманинг барча 16 цехи коммунистлари съезд қарорларини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, уни амалга ошириш бўйича конкрет тадбирлар белгилаб олдилар. Меҳнат интизомини, кадрларга талабчанликни ошириш, ишда тўб бурилиш ясаган эришнинг цех партия ташкилотларининг бурчи.

А. БУРХОНОВ.



Насиба Жонмирзаеванинг Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасида ишлаётганга ҳали кўп вақт бўлган йўқ. Шу қисқа муддат ичида ўзининг тирноққа ва меҳнатсеварлиги билан коллектив ўртасида обрў қозонди. КПССнинг XXVII съезди қарорларидан руҳланган бу пешқадам тикувчи ҳаммага смена топириқларини ортиги билан адо этмоқда. Унинг мақсади зиммага олган шахсий йиллик планини муддатидан илгари адо этишдир. СУРАТДА: комсомол аъзоси Насиба Жонмирзаева. Т. Каримов фотоси.

ТОШКЕНТ КОМСОМОЛИ

Тўқувчи Мунира Зокирова иккинчи тўқув фабрикасининг ишчи ва хизматчилари меҳнат зафараси билан таъриқланди. У Тошкент тўқувчилик комбинатида биринчилардан бўлиб дохий-миа В. И. Ленин туғилган кўннинг 116 йиллигига қадар тўрт ойлик топириқни урдалашга муваффақ бўлди. Илгор усул ва техникадан самарали фойдаланганлиги учун планга кўшимча ўттиз минг метрдан зиёд сурп тайёрлашга эришди. Бу фабрикадаги энг юксак кўрсаткичдир.

Фабрика касабаси союзи ташкилоти маҳорат мактабининг наватбадги машғулотини ўтказиши комсомол аъзоси Мунира Зокировага топириқдир. Унинг тажрибасини ўрганиш

ниш учун фақат ешларгина эмас, кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган тўқувчилар ҳам келишди. У нормадаги 21 ўрнига 35 та микрониз дастгоҳга хизмат кўрсатди.

Муниранинг ибрати

Ўтган йили Иваново шаҳрида ўтказилган мамлакатимиздаги энг яхши тўқувчиларнинг сўлдига Мунира ҳам иштирок этди. Ишчи тез ва сифатли бажариб ивановлик

тўқувчилар номидаги мукофот лауреати бўлди. Айни пайтда бошқаларнинг тажрибасини ҳам ўрганди. Уларни қўллаб туфайли ўтган беш йилликда етти йиллик топириқни бажаришга эришди.

Муриабийлар сафига қўшилган касб сирларини ешларга ўргата бошлади. Ўнлаб қизлар ҳозир мустақил ишлаб, юксак кўрсаткичларга эришяётганликлари учун Мунирадан миннатдорлар. Улардан бири Л. Ахмедзянова ҳозир 25 дастгоҳга хизмат кўрсатмоқда. Ҳа, Мунира Зокирова меҳнатда ҳам, тажриба ўрганиш ва ўргатишда ҳам олдинги маррада бормоқда.

Т. ЗОКИРОВ.

Тажриба алмашишди

Сергели районидаги «Огонёк» ўсмирлар клубида шаҳар педагог-ташкилотчилари, турар жойлардаги спорт инструкторлари ва ўрта мактабларнинг физкультура ташкилотчилари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари «Огонёк» клубининг фаолиятини, унинг тўғарақлари ва спорт секциялари иш билан яқиндан танишди. 57-ЖЭУ территориясида жойлашган бу ўсмирлар клубининг иш, болаларни тарбиялашдаги роли ҳақида шу участка педагог-ташкилотчиси С. Алиқберова сўзлаб берди. Шунингдек, семинар қатнашчилари 96-мактабининг оммавий спорт ишлари билан танишди. Улар еш боқсқлар, дзюдочиларнинг кўргазмали чиқишларини томоша қилишди. Район спорт комитети томонидан ташкил этилган еш физкультурчилар йирисидаги турли қизқарлик мусобақаларининг шохиди бўлди.

Семинарда Ўзбекистон пойтахтининг кўпгина районларидаги турар жойларда ханузга янада кўнглидагидек ташкил этилмаётгани, спорт иншоотларининг қўлдан қўйилмаётгани тақид қилинди. Бу мактаб ўқувчиларининг дарсдан кейинги вақтлари кўпича беҳуда ўтишига сабаб бўлмоқда.

Жонкуяр

Қандолат Курбонова дарсдан қайтаётганида коридорда бир қиз тўхтади:

— Ердамингиз керак бўлиб қолди, — деди у йиманибгина. Менга студентлар ётоқхонасидан жой олиб беришга кўмаклашсангиз.

— Хўп бўлади, имконини топишга ҳаракат қиламиз, — жавоб берди Қандолат. Йўл-йўлакка ҳаёлидан ўтказди: ўқув йили бошида бўлганида ҳам имконини топса бўларди, ҳозир ётоқхона масаласи жуда қийин.

У институт комсомол комитетига бориб, иккинчи курс студенти Малика Абдуразоқованинг ўқиши, жамоатчилик фаолияти, ҳул-афкори билан танишди. Активистлар унга иккинчи характеристика беришди. Кўп ўтмай институт маъмурияти М. Абдуразоқовани ётоқхонадан жой бериш ҳақида бўйруқ чиқарди.

Яқинда Қандолатнинг район Советига қаҳирлиб, Эмма Петрова деган аёлнинг ўли сифатсиз ремонт қилиниши ҳақидаги шикоятини ўрганиб келишнинг топириқини, деди у. ЖЭУнинг ҳодимлари билан Э. Петрованинг уйига борди. Ремондан кейинги ахвол ҳақидаги ачинарли эди. Ишга масъулиятсизлик билан қараган курувчилардан квартирани қайта ремонт қилиб бериш талаб этилди. Иш қайта бажарилиши.

Ленин район Совети депутатларидан солиқнинг сақлаш ва тозаланиш назорат қилиш группаси тузилган. Группа аъзоси сифатида ҳам Қ. Курбонова ва ибратли ишларни амалга оширмоқда. У ўқув юртларига, ошқоналарда, медицина муассасаларида ўтказилаётган текширишларда қатнашиб, камчиликларни бартараф этишга ўз улушини қўшмоқда.

Қандолат асли самарқандлик, у Оқдари районидаги 35-мактабни тамомлаб, Самарқанд медицина билим юртида ўқи. Ҳа. Билим юртини имтибозли диплом билан тугатган Тошкент фармацевтика институтинида ўқишни давом эттирмоқда. Ҳозир 4-курсда. Курс комсомол ташкилотининг етакчиси. Унинг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги туфайли курс комсомоллари орасида қолоқлар йўқ. Ундан ибрат олган Нодира Сулаймонова, Яна Лукьянова, Зилшана Викирова сингари курснинг аълочили студентлари жамоат топириқларини ба, жаришда ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда.

— Қандолат ишчанлиги, изланувчанлиги, ҳар бир топшириққа масъулият билан қарашини билан бошқалардан ажратиб туради, — дейди институт партия ташкилотининг етакчиси Шавкат Шарипов. — Ана шу хислатларини ҳисобга олган институт коммунистлари унга катта ишонч билдиришди. У Коммунист партия аъзоси, лияти кандидатликка қабул қилинди. Бу унинг учун катта қувонч, ҳам масъулият эди.

С. ТЕШАБОВА, студент.

Эътибор қозониб

Оддий иш кунларининг бирида «Ташғоршвейбт» бирлашмасига қарашли 38-тикувчилик цехига ўрта бўйлик, соддагина, истараси иссиқ қиз кириб келди. У бюуртма бергани келганлар орасида озгина уялиқираб, қаққонлик билан ишлаётган тикувчиларга, улар юргизаётган тикув машиналарига қараб турарди.

— Келинг, синглим, — деди наватбадга бюуртмачи билан суҳбатлашиб бўлгандан сўнг цех бошлиғи Малика Толпонова. — Хўш, хизмат, бюуртма бермоқчимиз!

Қиз уялгандан юзлари лов-лов ёнди. Сўнг эшитилар-эшитилмас шу ерда ишлаш истаги борлигини айтди.

— Э, ишга кирмоқчиман дег, яхши уйлабсиз. Цехимизга сиздақа ешлар жуда зарур. Исмнингиз нима? Бичиш, тикитишни биласизми!

— Исмим Мадина. Тикитишни биламан. Мактабда, тўғарақда ўрганганман, — деди қиз сал дадиланиб.

— Қани юринг-чи, иш шароитимиз билан таништирай, синаб ҳам кўрамиз.

Малика опа Мадинани тикувчилик хонасига олиб кирди, тикув машинасини кўрсатиб, деди: «Шу машинага олиб ўтказиб, мана бу кўйиланин этакини босиб бериңгиз».

Мадина ҳеч иккиланмасдан тикув машинаси олдида ўтирди. Айтилган топириқни бўди билан бажарди. Цех бошлиғи унинг ишдан манану бунди чоғи кўлимсираб қўйди.

— Ҳазонангизнингизни ҳисобга олганда олдига қаратингиз, яхши. Сизнинг ўзингиза шогирдликка оламан. Фақат бир-икки ҳафта синавда бўласиз, — деди М. Толпонова.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Мадина тез кунларда ўзининг бор имкониятларини ишга солиб, мактаб тўғарақда, уйда мустақил ўрганган ҳўнларини кўрсатди. Билмаганларини тап-тормай устозидан сўраб ўрганди. Тикувчиликнинг сир-асрор-

ларини мукамал ўзлаштириб олди. Тириққоқлиги, меҳнатсеварлиги, ўткир қобилияти билан цех чеварлари, бюуртмачиларнинг ҳўрматини қозонди. Устозин Малика Толпонова унга катта ишонч билдириб, мустақил ишлашга розилик берди.

Мадина Зокирова мана 6 йилдирки, шу ерда сидқидил меҳнати билан ўз касбини шарафлаб келмоқда. Бу ҳозирча қисқа муддат бўлиши мўмкин, албатта. Лекин шу йилларнинг ҳар бири ойлик ва йиллик планлари доимий ўз вақтида бажарилибди. Мана, Мадина Зокирова шу йилнинг биринчи қаварта шажаси планини муддатидан олдин 115 процент қилиб бажарди. Плендагидан 150 сўмлик кўп маҳсулот тайёрлади. Айни вақтда кўплик план-топириқларини ҳам 130—140 процент қилиб адо этмоқда. Мадинанинг касбшўрлиги ҳам ўз планларини доимий равишда ортиғи билан бажаришмоқда. Улар сўнгги пайтларда янада маддалоқ ишлашга ва тайёрланаётган бюуртмаларнинг сифатини оширишга ўз эътиборларини қаратмоқдалар.

План ва мажбуриятларимизни ошириб бажаришда Мадина Зокированинг хизматлари катта бўлаяпти, — дейди цех етакчиси М. Толпонова. — Чунки у ўз касбига муҳаббат боғлаган. Муҳаббатини доимо меҳнат билан йўғуриб боради. Шунинг учун бўлса керак, касбдошлари орасида қобилиятлиги, тезкорлиги билан ажралиб туради.

Цех коллективи 1986 йилги план ва мажбуриятларини муддатидан олдин — декабрь ойига қадар бажариш мақсадида социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқда. Ҳар меҳнат бешлашув пешқадамлари сафига коллектив ва бюуртмачиларнинг ҳўрмат-эътиборини қозонаётган Мадина Зокирова бориқда.

А. ҲАЙДАРОВ.

Студентлар ҳиссаси

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини студентлари, ўқитувчилари ва ҳодимларидан 7 мингга яқин киши ўқиш корпусларида, Студентлар шаҳарчаси территориясида ҳашар ўтказдилар. Улар томонидан жуда кўп миқдорда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ирригация шохобчалари тозаланди. Бўлғуси механизаторлар ўқув-ишлаб чиқариш устaxonаси ва тажриба хўжалигидаги мавжуд техникани ремонтдан чиқаришди. Чорвоқ дам олиш зонасидаги қоттежларни ёғзи масвумга ҳозирлаб қўйди. Институт студентлари ва ўқитувчилари коллективни томонидан амалга оширилган ҳайрли иш катта самара берди.

Солдат қўшиғи

Одамларни таниш бошладим, Одамларни, Ваган — онажон. Билдим, нима экан тахоник, Нима экан шовқин, хаяжон. Кўзларимда тинчлик тавишди, Қўлларимда қурол, посбонман. Битта ўзбек эмас, онажон. Мен ҳам ахир, Ўзбекистонман. Дафтар тўлдирмадим қадрдон, Фақат юрак тўлдирдим, юрак. Босмоқ учун ҳаяжонимни, Тезроқ сени кўрмоғим керак. Илҳом ИҶЛДОШЕВ.

Ёшлар ижодидан

Яшамоқ бахти

Тонгга қарши яшам, дўстим, Гулга қарши яшам дўстим. Янграганда элда эрим марши Нафас олма елларга қарши. Шунда ўзни севган бўласан, Шунда сўзни севган бўласан. Шўҳратингда нўҳоя бўлмас, Бундай одам аслида ўлмас.



Илҳом ИҶЛДОШЕВ — 1968 йилда туғилган, 1983 йил Тошкент Давлат маданият институтини тугаллаган. Ҳозир «Гўлхан» журналида ишлайди.

ДУНЁ ХАВАРЛАРИ

Совет Иттифоқининг Перуга ёрдами

▲ ЛИМА.

Бу ерда Пуно департаментидида кўпчи тошқин натижасида зарар кўрган перулик гражднларга Совет Иттифоқининг тўхфасини топириш маросими бўлди. СССР Қизил Крест ва Қизил ярим ой жамаият союзи Перуга кўплаб дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари, палаткалар, оделлар юборди. Перу Қизил Крест раиси Эрнан Отайса Эррера тўхфани топириш маросимида сўзга чиқиб, ана шу ёрдам учун Перу халқи номидан Совет Иттифоқига астойдил миннатдорчилик изҳор этди. Перу халқи учун ана шу оғир дамларда СССРнинг беғарас ва инсонпарварлик ёрдами, деб таъкидлади у. Совет ва Перу ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ҳақли талаб

▲ МАНИЛА.

Инсон ҳуқуқлари президентлиги комиссиясининг раиси Хосе Диокно ўз нутқида Филиппин территориясида жойлашган Америка ҳарбий базаларини тугатишни ёқлаб гапирди. АҚШ ҳарбий базаларининг мавжудлиги, деб ўқитириди у, мамлакат хавфсизлигига мунтазам равишда таҳдид қилиб турибди. Америка базалари — суверен давлатларнинг ишларига аралашуш қуролидир. Бу базалар филиппинларга ҳарбий моқораларга тортилиш хавфини туғдиришмоқда, деб таъкидлади Х. Диокно.

Филиппин мустақилликка эришгандан кейин АҚШ филиппинликларга тикитириган ҳарбий базалар тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати 1991 йилда тугайди. Республика президенти Корасон Акино хоним бу базаларнинг бундан кейинги тақдирини умумийли референдум натижаларига боғлиқ бўлади, деди.

Йўлбошчиларнинг мурожаати

▲ КОВУЛ.

Хайбар районидаги (Покистоннинг шимоли ғарбий чегара вилояти) бир қанча қабилаларнинг йўлбошчилари ва оқсоқоллари Покистоннинг АДР билан чегарадош районларида яшайдиган барча пуштунларга мурожаат қилишди. Исломободдаги ҳарбий режим, дейилди мурожаатда. АҚШнинг ишпорати билан эркин қабилаларга қарши ҳаққини ўруш бошлади. Қабилалар территориясида стратегик йўллар ва ҳарбий оморлар қурилмоқда. Покистон армиясининг базалари ўрнашмоқда. Буларнинг ҳаммаси пуштунларнинг анъанавий ҳуқуқларига зид бўлган ашаддий чораталдир. Исломобод қабилалар дўстона алоқада бўлган афрон халқига қарши эълон этилмаган урушнинг авж олдиришга қаратилган йўл ўтказмоқда.

Йўлбошчилар ва оқсоқоллар қабиладошларини режим қўшунларига ва улар билан биргаликда ҳаракат қилаётган Афғонистон аксиндикчилик тўдаларга зарба беришга, ўз халқининг ҳуқуқларини ҳўмоа этишга даъват қилди.

Варшавадаги Катта театр мана 40 йилдан буюн Совет Иттифоқидидаги кўпгина ижодий коллективлар билан дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Унинг репертуаридан совет театр санъатининг машҳур арбоблари иштирокида саҳнашактрилган опера ва балет спектакллари муносиб бўлиб олган.

Варшаванинг Катта театрида П. И. Чайковскийнинг оҳанграбоз музика асари садолари яна янграй бошлади. Саҳнада кичик оқушларнинг майин, мафтунок рақслари намойиш этилмоқда.



Ленинград хореографлари постановка қилган «Оқуш кўли» балетининг янги талқини балет мафтунокларига чинакам санъат асари билан яна бир учрашувни ҳада этди.

СУРАТЛАРДА: Варшава Катта театрининг томошалар залида; Варшава Катта театрининг сахнасида Совет балетмейстерлари К. Сергеев ва Н. Дудинский саҳналаштирган П. И. Чайковскийнинг «Оқуш кўли» асари намойиш этилмоқда. Асосий ролларни Бее-та Вех ва Аракадиуш Степен ижро этишмоқда.

Жонажон Ватан бўйлаб

Дўстлик энергетика
кўприги

● ОДЕССА. 750 киловатт қўлланишга СССР — Болгария электр линияси қўрилганда энгил ва босқич бошланди. Монтажчилар бугун сўнгги секцияни ўрнатиб, Дунай дарёсининг совет соҳилида 131 метрли тиргакни қўриб бўлдилар.

Мазкур дарёдан электр олиб ўтиш — дўстлик энергетика кўпригининг энг мураккаб бўғинидир. Кўприк жанубий Украинадаги электр станциясидан бошланади. Дунай дарёсидан кема қатновига зарар етказмаслик учун дарёнинг совет ва румин соҳилларида ана шундай икки банд тиргак ўрнатишга қарор қилинди.


Янги лаборатория

● ЛУЦК. Волин областидаги колхоз ва совхозлар ҳўжаликлари агрохимлабораториялар очиниши кирди. Шулардан биринчиси Киверин районидagi «Коммунар» колхозда ишлаб бошланди. Бу ерда қўлланган дало ишлари бошлангич ҳар бир далага конкрет қанча озунча моддаси солиш зарурлиги тўғрисидаги маълумотлар олиниди. Йил охиригача областининг ҳамма районларида шундай лабораторияларни очиб бўлиладилар.

Шартнома самараси

● ЧЕБОКСАРИ. Чебоксари агрегат заводида Венгрия фашизмдан озод этилганлигининг 41 йиллигига бағишланган виставка очилди. Кўрникнинг кўпгина экспонатлари корхона меҳнаткашларининг ВХР Хевеш областида жойлашган Эгер аниқ арматура заводи билан дўстлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Бу коллективлар қарийб ўн беш йилдан бери орттирган илгор тажрибаларини баҳам кўриб келади.

Ер қобиғи сирлари



БЕЛОРУССИЯ ССР фанлар академияси биохимия ва геофизика институтининг умумий ва регионал тектоника лаборатория олимлари Молдавия, Белоруссия, Украина, Болтиқ бўйи республикалари, Чехословакия, Польша, Скандинавия мамлакатлари территориясини ағаллаб турган Шарқий Европа воҳасининг жанубий-ғарбий ўлкалари тектоник карталарини тузиш, ерларнинг қобиғи сирларини ўрганиш борасида тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Диктатингизга ҳавола этилаётган расмларда ер ости тузилиш тасвирланган бўлиб, у бундан миллионлаб йил муқаддам шаклланган ва ҳозирги пайтда олимларнинг катта қизиқишига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: [чапдан-ўнганга] катта техник-картограф Ф. А. Логутков, катта илмий ходим, геология-минерология фанлари кандидати В. А. Ножен, катта инженер-картограф М. М. Жангел, стажер-тадқиқотчи Н. П. Иваненко ва геология-минерология фанлари кандидати В. А. Масляк регионал карталарни тузиш устида масхаллашмоқдалар.

А. Толочков фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Меъёр ва парҳез
асосий омил

Хурматли редакция! Қанд касаллиги ва бу хасталик билан оғриганлар учун қандай парҳез тутиш кераклиги ҳақида маълумот ёритишингизни истар эдик.

Ўқтам ОБИДОВА,
Қамарнисо кўчасидаги 15-ўйда истиқомат қилувчи

ИНСОН ҳаёти учун нақадар зарур омиллардан бўлган углеводларнинг организм томонидан етарлича таъминланмаслиги натижада қандли диабет касаллиги содир бўлади. Бу хасталик нохуш ва оғир ўтиши билан бирга, бир қатор хавфли касалликларга манба бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Углеводлар турли ширинликлар, табиат неъматларида: қанд, қандолат, асал, мурabbo, сабзавот, мева, шунингдек унли маҳсулот ва таомларда ҳам бўлган. Бу омиллар организмга тушган, ошқозон-ичак йўлидаги ҳазмлашда иштирок этувчи ширалар таъсирида сифат ўзгаришига — глюкозага айланади. У эса ўз навбатида ичак деворлари орқали сўрилиб қонга тушади ва бутун организмга ёйиладилар.

Организмда ишлаб чиқариладиган инсулин гармонининг бевосита таъсири натижада глюкоза туқима ҳужайралари томонидан ўзлаштирилиб ва биохимиявий жараёнлар натижасида карбонат ангидрид ва сувда парчаланган. Оқибатда инсон туқималарида организмнинг яшаш учун жуда зарур бўлган энергия қувват ҳосил бўлади.

Мабодо инсулин гармонини етишмас, туқималар томонидан углеводлар етарлича ўзлаштирилиб ва бунинг асоратида одам қонидида қанд салмоғи ортши ва пешобда қанд пайдо бўлади, одам қандли диабет билан озорланади.

«Диабет» атамаси юнотча «диабайно» сўзидан келиб чиққан бўлиб, бирор нарсаси орқали «ўтаман» маъносини англатади.

Қандли диабет ҳозирда нисбатан кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, у турли сабаблар билан ривож олиши мумкин. Жумладан, марказий нерв системасининг зарарланиши, яъни руҳий азиятлар: ниҳоятда қўрқиниш, вас-васлик, оғир изтиробга тушиш, фожия, шунингдек жисмонан озорланиш, лат ёйиш, жароҳатланиш, мия силкиниши, бир қатор оқимли касалликлар гирдобда бўлиш (вирусли гепатит, грипп, милкак, ангина ва бошқа), иллатли касалликлар билан оғриш, овқатланиш тартибининг бузилиши, ширинликлар

ни сунистеъмо қилиш, суст ҳаракатлик ва яна бир қанча сабабларга кўра қанд касаллиги келиб чиқиши ва авж олиши мумкин. Қандли диабет касаллиги нисбатан енгил, ўртача ва оғир кўринишда бўлиши қайд қилинади.

ҚАНДЛИ диабет билан хасталанганларнинг асосий усулларидан бири парҳезга амал қилиш ҳисобланади. Одатда парҳез доволчи шифокорнинг бевосита назорати остида тузилади. Врач беморнинг касаллигини даражаси, ҳолати, ёши, касби-кори, табиати ва бошқа тафсилотларини инобатга олган ҳолда, у ёки бу тартибдаги парҳез таомларни белгилаб беради.

Қандли диабет билан оғриган беморлар суткасида 5—6 марта, тахминан ҳар 3 соатда унча катта бўлмаган тегишли порция билан овқатланишлари зарур. Чунки бунда меъда ости беви фаолиятига унчалик оғирлик тушмайди. Овқатланишнинг самарали бўлиши учун кўнундаги тартибга амал қилиниши маъқул кўрилади. Нонуштада суткалик рационнинг 20 проценти, иккинчи нонуштада 10 процент, пешинда 30 процент, кечки тушликда 10 процент, кечки овқатланишда 20 процент, уйқу олдида 10 процент қисми тановул қилинади.

Қандли диабет билан озорланганлар учун нордон ҳамда хуруш таъмли табиат неъматлари жуда мос келади. Жумладан, олма, лимон, апельсин, мандарин, қизил қорақат қаби мевалардан кунинга 200 грамм миқдорда истеъмо қилиш ёки ксилит ёхуд сорбит асосида шарбат тайёрлаб ичиш ҳам мумкин.

Сут ва сут маҳсулотлари асосида тайёрланадиган таомлар ҳам ўз йўли билан фойдаланиш ҳисобланади. Сут, кефир, қатик, сузма, творог соф ҳолда ёки улар овқат билан аймекланган ҳолда (пудинг, сирниклар) истеъмо қилиниши мумкин. Бироқ пишиқ, сметана, қаймоқ қаби сут маҳсулотлари чегараланган ҳолда истеъмо қилиниши керак.

Ичкиликлардан чой, ширчо, унча аччиқ қилиб тайёрланган қаҳва, мева,

резавор, сабзавот шарбатлари фойдалилиги билан ажралиб туради.

Сариёғ, шунингдек ўсимлик мойларидан кунинга 40 грамм миқдорда соф ҳолда ёки таом кўринишида истеъмо қилиниши мумкин.

Одатда қандли диабет билан озорланганларнинг енгил ҳамда ўртача формаларида 9-рақам билан белгиланганда парҳез буюрилади. Беморга инсулин берилиши зарур бўлмаган тақдирда ёки оғир 20—30 бирлик инсулин бериладиган ҳолларда парҳезнинг бу турли маъқул кўрилади.

МШИРИНЛИКЛАР киритилмайди. Ош тузи, холестерин, экстрактив моддалар анчагина чегараланган миқдорда берилади. Липотроп моддалар, витаминлар, сузма, ёғсиз балик, сабзавот ва мевалар кўп миқдорда берилади. Мазкур парҳезда сабзавот солиб пиширилган шўрвалар, ёғсиз гўшт, балик, сут, сут маҳсулотлари, қанди кам мевалар, анор берилиши мумкин.

Қанд касаллигида сабзавот ва кўнатлар фойдали ҳисобланиб, уларни хомлигича ёйиш маъқул кўрилади. Ло-вининг фойдалилиги, бодом уни қанд касаллигида доволчи ҳақида маълумотлар бор.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакики, шифокорнинг тавсияларига, парҳезга, дори-ларини ичишга, ибратли жисмоний меҳнатга, унумли ва мароқли дам олишга қатъий амал қилиш қандли диабетдан самарали доволанишга замин яратди.


Мабодо ўзини соғлом ҳисоблаб юрган одам беҳоллик, толиқиш, оғиз қуриши, ташналикни ҳис этидиган бўлсалар албатта шифокор қабулида бўлиб, медицина назоратидан ўтишлари лозим. Шунингдек, қанд касаллиги ирсий билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Отанаси мазкур хасталик билан оғриганлар вақти-вақти билан мутахассис врач-эндокринолог қабулида бўлиб турришлари мақсадга мувофиқ келади.

И. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари доктори.

М. НАБИЕВ,
доришнос.

САЛОМАТ
БЎЛИНГ

Сўраган эдингиз...



В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмаси ишчилари унумли меҳнат қилиш билан бирга кўнгилли ҳордиқ чиқаришга ҳам алоҳида эътибор беришади. Бу соҳада эса спорт билан шугулланишнинг ўзгача гашти бор. Корхонада спорт шикфоэлари учун ҳамма шароит муҳайё. Фақат оғина иштиё, иҳлос бўлса ва доволаш физкультураси бўйича инструктор В. Бахтева кўрсатмаларига амал қилинса бас. Кун бўйи қилинган серурум меҳнат спорт билан ҳамонанг кишига яна қайта куч, ҳузур улашади.

Бирлашманинг «Саломатлик» санаторий-профилакторийси эса ҳаминша ўз мижозларига мунтазир. Пастдаги суратда парҳез таомлари ошхонасини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотолари.



Медицина янгиликлари

Қуёш нури—

ларини доволанда ёрдам берди.

Лазерли «шифокор»

даволаш қурилмаси

Ўзбек медеклари геофизиклар ёрдамида қуёш нуриларини концентратциялаб қолмай, ундан зарур спектр нури ажратиб бера оладиган гелиоқурилма бунёд этилди. Қурилма радикулит, артритлар, нафас олиш йўл-

Протез эмали

Пўлат ва қўймақлардан тайёрланган тиш протезлари учун эмал ўрини плазмали гангитх услубида яратилган мустаҳкам кўп қатламли плёнка бажаради. У билан қопланган ясама тишлар ўзоқ хизмат кўрсатиб, ташқи кўриниши яхшиланади. Қурилма Харьковда ишлаб чиқарилмоқда.

«Ягода» («Мева») лазер қурилмасидан шомоллаш ва ишлаб чиқариш ахшилашда фойдаланилади. Нури суз учликлар лазер нурини меъда-ичак тракти, оғиз бўшлигининг шикли пардаси қаби «адреспанган аниқ йўлланлишнинг таъминлайди. Лазерли доволаш сеанси бир неча минутингича олади холос.

Бу—қизиқ

Сигарет баҳоси

Чеккиш қанчага тушади? Бу саволга АҚШ конгрессининг комитетларида берида ўтказилган тадқиқот натижалари жавоб беради. Унга мувофиқ бир донча чеккиган сигарет бир кутти юқори баҳодаги сигаретнинг улгурчи нархидан ҳам сезиларли суммадан ортиқ экан. Чеккиш йўли билан юза-

га келган касалликларни доволаш АҚШ учун йилга 65 миллиард долларга тушмоқда. Тадқиқотларда хусусан, чеккишларнинг вақтдан илгари ўлиши ва иш қобилиятини йўқотишлари ҳисобга олинди. Йилга қарийб 314 миң америкалик чеккиш оқибатида юзага келган рақ, юрак-қон томир ва

ўпка касалликларидан нобуд бўлмоқда. Бу кишилар тадқиқотларга кўра, бошқа америкаликларга нисбатан ўртача ўн етти йил кам умр кўрмоқдалар. Уларнинг жўшқин меҳнат фаолиятлари давомийлиги тўрт йилга қисқармоқда.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.

«Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» Бутуниттифок рейди давом этмоқда

4. „ЁВУЗ ОҒУ“ СУҚМОҚЛАРИ

СУДЛАНУВЧИ, суд ҳайъатининг саволига жавоб бериш олдиндан қўйилган ерга қаради. Сўнгра судьяларга ҳам, қароғида ўтирган давлат айбловчиси — прокурорга ҳам, адвокатга ҳам қарамасдан, бирданига залга ўтирилади. Унинг ашланган кўзлари зал охирида бир-бирига суяниб ўтирган, ёши ўтиб қолган эркак ва аёлга қадалган эди. Бироз жимликдан сўнг, унинг йиғи аралаш бўёқ жавоби зал бўйлаб янгради.

— Минг ланнат, ўша ичкилик ҳидини хидлаган кунга... Ўз фарзандимнинг қотили бўлдим, ўз томиримни ўзим чопдим...

Энди мустақил ҳаёт йўлига қадам қўйган ёш йигитнинг одил суднинг қора курсисидан ўтириб айтган калта-юлқ сўзларининг мазмунини қақиб олиш учун залга қўлдан-қўл гувоҳлар қақирди. Ойини ишига тикилган дунёга келган кезде, ота-она фарзанд қувончини «нишонлашдан» бошладилар. Эскини танмасдан, қолгани қўли ҳар билл. Эскини танмасдан, қолгани қўли ҳар билл. Эскини танмасдан, қолгани қўли ҳар билл.

Мақтаб йиллари ҳам шу аҳволда ўтди, Алексей мактабдан кўра, ён кўнадаги гастрономда серкатио эди. Ота-она гапини икки қилмаслик келмасди.

Ҳали кўйовчи сабза урмаган ўсмир чекишга, ичкишга, сўйинишга ўрганди.

Мақтаб коллектив, тенгдошлари яхшилик истаб унча насхат қилмоқчи бўлган кишиларнинг ури-нишларидан «йўргакдан кирган» ота-она «сабоги» устун чиқди.

Жамоатчилик ва тегишли идораларнинг аралашуви эса ота-онага ёқмас, яшаш ва ишлаш жо-ларини, ҳеч ким танимайдиган жойга алмаштир-ган ва қўни-қўшинларга «танлигунча» яна ичкилик...

Алексей воёга етиб, Ольга билан танишиб турмуш қурганларида, ичкилик ичиш борасида отаси билан «беллашадиган» бўлиб қолган эди. Меҳнат қилишда ҳам «отакас» деб, бир жойда тайин ишламасдан, осонроқ йўлини тутди.

Ҳамма нарсада мардлик қилиб бўлса ҳам, ичкилик ичишда мардлик қилиб бўлмас экан, бари-бир бир кун мўртлиқ қилиб синаркансан. Алексей ҳам иса жазаваси тутадиган, жиртаки, бўлар-бўлмасга жанжал қиларидиган бўлиб қолди. Ҳар нарседан ҳадиксираш, кўркув, ёмон тушлар куну-тун ҳалроҳи эди. Ҳатто хотини Олядан ҳам

ҳадиксирай бошлади. Кўзи ёриш арафасида авайлаб оёк босаётган умр йўлдоши, гўё унга бевафалик қилган... одамлар унинг устидан кулаётгандек тушди...

Навбатдаги мастлик оқибатида ҳеч гап-сўз-сиз ҳомила устидан пичоқ тортиб юборганини билмай қолди... Она қорнидан барвақт безовта

Оқ арақнинг қора ишлари

қилинган ўғил икки кун қўни очиб, оламга қаради ва арақлар қўлида жон берди...

Судланувчи ўз жиноятини араққа агардан бўлиб кўрсатди, бироқ бу сўзларини зал тўрида ўтирган ота-онасига қараб айтиш, «сизлар айбдорку, мени ичкиликка ўргатган ҳам, жиноятчиға айлантирган ҳам» дегандадек туюлди.

Дарҳақиқат, ичкиликбозлик оқибатида, Алексей хотинини оғир жароҳатлаб, туғилмасдан бурун ўз ўғлини ўлимга рўпара қилган бўлса, бу ишларга гувоҳ бўлиб ўтирган ичкиликбоз ота-она, аслида оғирроқ жиноят содир қилган эдилар. Улар ичкиликбозлик «қўлига айланиш», дунёда энг муқаддас сўз — ота ва она номига иснод келтир-

дилар. Ўз ўғиллари Алексейнинг жиноятчи бўли-шига, келин ва неваранинг қурбон бўлишига сабаби бўлдилар.


Бу ичкиликбозлик келтирган фожиялардан биригина мисол, холос. Ичкилик ва жиноят. Бу иккала иллат ёки-бири билан шундай маҳкам боғланганки, доимо бир-бирини судраб юради.

Б. А. МАСТАКОВ ва ҳушёрлик тушунчасини ажратиб олиш учун яқин тарихимизга мурожаат қилишнинг ўзи етарлидир.

Ҳаёда ичкиликбозликдан ҳазар қилган В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг биринчи кунларидан бошлаб, ҳушёрлик учун курашининг бошида турди.

Маашур «Тирчилик қачагини», «Ер ислоҳоти қа-қиди» дастлабки декретларидан унчинчиси Со-ветларнинг 1917 йил 28 октябрь (8 ноябрь)да қа-бул қилган «Ичкиликбозлиқни мутлақо тақиқлаш ҳақидаги декрети эканлиги бу борада эътиборга моликдир.

Хушёр большевиклар ичкилик запасларини



— Айт, тиррача, сигаретга пулни қаердан олдинг!
— Сиз ичган арақларнинг идишини топширдим-да...

— Вадосиз одам экансиз, яна арақ кўтариб келдингизми!
— Аэзизим, ахир бугун сенинг туғилган кунинг-Ш. Субхонов расмлари.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Хусусий турар жой массивларига—қулайликлар

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарор қабул қилди, унда хусусий турар жойлар қурилган массивларда канализация қурилиши белгиланди. Бунда Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари, меҳнат ветеранларининг илтимослари ҳисобга олинди.

«Водоканал» трестига 1986—1990 йилларда 25 километр кўчада канализация тармоқларини қуриш топширилди. «Ташкилпроект» институтига «Водоканал» трестининг буюртмаси бўйича кўрсатилган муддат учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тақвими қилинди. Бугун биз канализация тармоқлари қурилиши режалаштирилган кўчалар рўйхатини эълон қилмоқдамиз.

1986 йил
Киров райони: Шўрб, Х. Эргашев, Богослов (кўча ва проезде), Гулбоғ кўчалари.

Акмал Икромов райони: Меҳмондўст, Хондариб кўчасининг 4-проезде, Орифжонов (1-участка), Фазилат, Нашриёт кўчалари, Оқтепа

маҳалласи — Н. Ганиев кўчасининг 2, 5, 6-проезде, Ленин райони: Евпаторская кўчаси.

1987 йил
Акмал Икромов райони: Орифжонов (2-участка), Ермухамедов (1-участка), Ихтиро, Ильич кўчалари, Оқтепа маҳалласи — Н. Ганиев кўчасининг 1-проезде.

Киров райони: Гулбоғ проезде, Ботумская, Сухумская кўчалари, Уста Ширин проезде.

Чилонзор райони: Шарқ тоғи, Ётти терак кўчалари ва 1-Хива проезде.

1988 йил
Октябрь райони: Кўкча маҳалласи 3-Оқсой, Ёдгор, Кўргонча (1-участка), Архитекторлар кўчалари.

Акмал Икромов райони: Ташаббускор кўчаси— Нашриёт кўчасининг 4-проезде, Ильич кўчасининг 4-проезде, Ермухамедов кўчаси ва 4-проезде (2-участка).

Киров райони: Намидинов кўчаси — Кутузов проезде, Очопар маҳалласи — Сизранская, Мариупольская ва Читинская (1-участка) кўчалари, Қосимхўжаев кўчаси.

1989 йил
Собир Раҳимов райони: Хувайдо, Мухбир, Илоҳий, кўчалари, Шуманай проезде, Генерал Узақов кўчасининг 2-проезде, Маҳмудқул кўчасининг 6-проезде.

Киров райони: 1-Барнаул проезде, Полковник Хамидов, Т. Жалилов кўчалари, Очопар маҳалласи—К. Зарипов, Читинская. Марнупольская (2-участка) кўчалари; Миртемир, Чуркин, Рилев (1-участка) кўчалари.

Октябрь райони: Мужри-мобид кўчаси, Қизил гўнча тупиги.

Чилонзор райони: Бўстонлик кўчаси, 4, 5, 6-Хива проезде.


Акмал Икромов райони: Оқтепа маҳалласи—Жамшид кўчаси ва проезде; Хайратий ва Илпакчи кўчалари; Собир Раҳимов номи маҳалла — Табрик, Н. Хўжаев кўчалари; Ульянов номи маҳалла — С. Мирзаев (1-участка), Яқидил, Садоқат кўчалари.

Собир Раҳимов райони: Урожай, Фарғоний, Талант (1-участка) кўчалари.

Чилонзор райони: Илғор ва Қўшчиноқ кўчалари.

Киров райони: Миртемир ва Рилев (2-участка) кўчалари.

Октябрь райони: Бобир (1-участка) кўчаси.



Ленин комсомолы номидаги театрда Л. Петрушевскийнинг «Мой» либеллетти учун қизик комедияси соҳналаштирилди. Пьесада маънавий ҳаёт ва турмушдаги муаммолар кўтарилган. Мазкур спектаклни РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Захаров сахналаштирган. Режиссёр — Ю. Махаев.

СУРАТДА: спектаклдан кўриниш. Федорова — СССР халқ артисти Т. Пельцер (чапдан), Ира — РСФСР халқ артисти И. Чурикова.

М. Строков фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Шарҳли хат

Лойиҳа тайёрланмоқда

Бундан икки йил илгари Уста Олим кўчасидаги уйларнинг яриш шаҳар канализациясига уланган эди. «Водоканал» трестидан қолган 36 та уйда яшовчиларга хабар қилиндики, кўча канализацияси ётқизилиши учун бажариладиган ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари 1985 йилда тайёрланди.

Бироқ 1985 йил ўтди, ваъдалар эса бажарилиб қолди. Аҳоли номида Г. СТАРИКОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Аҳолининг кейингина «Водоканал» трестидан кўйидаги жавоб келди: «Хабар қиламизки, трестнинг 1986 йил 24 февралдаги буйириши

юртмаси бўйича «Ташкилпроект» институти Уста Олим кўчасига канализация ётқизилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрламоқда. Узунлиги 560 метри, тахминий қиймати 35 минг сўмлик канализация тармоғи қурилиши 1987 йилда бажарилади. Уйлаймизки, белгиланган ишлар муддатида бажарилади ва Уста Олим кўчасида яшовчилар бундан кейин турли жойларга хат ёзиб овера бўлиб юришмайди.

Билдириш

Лекторлик маҳорати ва но-тилик санъати факультети тингловчилари диққатига

24 апрель соат 17.00 да В. И. Ленин Марказий музейининг

Тошкент филиалида «Нутқ маданияти тўғрисида» мавзуда лекция ўқилади. Лектор — педагогика фанлари доктори, профессор М. Х. Тўхтақўжаева

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВЕВ.

РЕКЛАМА

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

28 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ДА
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «МАСК» (Москва)
КОМАНДАЛАРИ УРТАСИДА

Футбол

ФУТБОЛ МАТЧИ БОШЛАНИШИ ОЛДИДАН СОАТ 16.00 ДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ КАМО-ЛИДДИН РАҲИМОВ ИЖРОСИДА КОНЦЕРТ.

Футбол иштирокидаги учун стадион территориясида спорт товарлари савдо-яроғи, салқин ичимликлар савдоси ташкил этилади.

«Пахтакор» Марказий стадионида мавсум учун абонементлар сотиш ҳамда олдиндан билет сотиш кассалари ишлайди.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг
С. И. СТРЕЛКОВ НОМИДАГИ
2-ПОЛИГРАФИЧЛАР УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА
БИЛИМ ЮРТИ
1986—1987 ўқув йили учун
қўйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

Қўлда ва машинада ҳарф терувчилар, печатниклар, фотонабор операторлари, муқовачилар.

Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади. 8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар 3 йил таълим оладилар. Уларга эгалаган касби ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади. Ўқувчилар бепул кийим-бош ва кунига тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар. Ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар 10 ой ўқийдилар. Уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ИМТИЕЗЛИ ДИПЛОМ БИЛАН БИТИР-ГАНЛАР МОСКВА ВА ЛЬВОВ ПОЛИГРАФИЯ ИНСТИТУТЛАРИГА, ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИНИНГ ПОЛИГРАФИЯ БЎЛИМИГА ЎҚИШ УЧУН ИЛЛАНМА БИЛАН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Ўқиб даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топилган меҳнат ҳақи ўқувчиларга берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ. Зарур бўлганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида 6 ойлик бичиш-тикиш курслари, бадний ҳаскорлик тўғрисида ва спорт секциялари ишлайди. Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 21-уй (метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси), 13, 11-троллейбус ва 33-автобуснинг «Пионер» кўчаси бекати).

Олимпиадага марҳамат!

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА ВА ХИМИЯ БЎЙИЧА

Олимпиадасини ўтказди

Олимпиадада Тошкент шаҳри ва областидаги умумий таълим мактабларининг 10-синф ўқувчилари қатнашдилар. Ўқувчиларнинг олимпиадада қатнашчиларига кириш имтиҳони даражасида ўзбек ва рус тилларида савол ва масалаларни ёчиш тақдиф қилинади.

27 апрелда МАТЕМАТИКАДАН, 11 майда ФИЗИКАДАН Олимпиада Навоий кўчаси, 13-уй, институтнинг умумтехника факультети акт залида (7, 8, 11, 16-трамвайлар, 8, 18-троллейбусларнинг «Санъат саройи» бекати) соат 10.00 да бошланади; 11-май соат 10.00 да химия бўйича олимпиада Шевченко кўчаси, 1-уйда, химия-технология факультетининг акт залида (1, 5, 13, 22, 25-трамвайлар, 1, 10, 16, 8-троллейбусларнинг «Дизельная» бекати) ўтказилади.

Олимпиадаларнинг бошланиши олдиндан марказий қабул комиссияси томонидан олиш ўқув юртидаги қабул қондаларидаги янгилликлар ҳақида гапириб берадилар.

В. Н. СИВЕЦ НОМИДАГИ
АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ
ВА ТЕХНИКА САРОИДА
27 апрель соат 19.00 да
Татар демократ шоири Аб-дулла ТУҒАЙ тўғилган кун-нинг 100 йиллигига бағишлаб
АДАБИЙ-МУЗИКАЛИ
КЕЧА ЎТҚАЗИЛАДИ
КЕЧАДА филология фан-лари кандидати И. Х. ЗАБИРОВ,
«САБАНТУЙ» ҳаваскорлик
театри қатнашади.

ПРОГРАММАДА: шоир шеърлари ва қўшиқлари, халқ қўшиқлари ва куй-лари, совет шоирлари ва композиторларнинг асарлари ижро этилади.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ
СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТИ-ГИ САРОИДА
26, 27 апрель соат 19.00 да

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ, ТО-ЖИК ДАВЛАТ ФИЛАРМО-НИЯСИНинг СОЛИСТИ

Жўрабек МУРОДОВ

Концерти

Билетлар Сарой кассаларида соат 14 дан 19.00 гача сотил-моқда.

БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ПОЙАФЗАЛЛАРИ

23-29 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

28-магазинда

БОЛАЛАР ПОЙАФЗАЛЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТҚАЗИЛАДИ



САВДО-КЎРГАЗМАСИДА ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САВНОЖЛАРИ, ҚУҚОН ЯНГИЎЛ, ЧИРЧИҚ ПОЙАФЗАЛ САВНОЖЛАРИДА ТАЙЁРЛАНГАН БОЛАЛАР ОЎҚ ҚИЙИМЛАРИ НАМОИШИ ҚИЛИНАДИ.

САВДО-КЎРГАЗМАСИДАН
Ўғил ва қиз болалар учун
ТУФЛИЛАР, БОСОНОЖЛАР, САНДАЛЕТЛАР, ХОНА
ТУФЛИЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.
Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 144-уй (7, 24, 28-трамвайлар, 57, 58-автобуслар, 19-троллейбуснинг «Қон қўйиш институти» бекати).

«ТАШОБУВТОР» (телефон 48-09-90).

Ошпазлик қадимий касб

ИНСОНИАТ НЕЧА МИНГ ЙИЛЛАРДАН БУЕН ЯШАБ КЕЛАётган бўлса ОШПАЗЛИК КАСБИНИНГ ЁШИ ҲАМ ШУНГА ЯҚИНЛАШИБ БОРАДИ.

Яхши ошпаз ёки пазанда озиқ татм билиш устаси, қаққон, эпчил, саранжом-саршша, ҳуқуқ, шакл ва рангин яхши тасаввур эта билиши керак.

Агарда сиз ошпазлик касбинин ўрганишга аҳд қилган бўлсангиз

— ОКТЯБРЬ ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ МАКТАБ-ОШХОНАСИГА

Ўқишга МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ
Бу ошхона-мактабда Октябрь районидagi ошхона ва кафе-ларда ишлаш учун III разрядли малакали ошпазлар тайёрла-нади.

Мақтаб-магазинга 8—10 синфларни битирган ўқувчилар қа-бул қилинадилар. Ўқиб даврида ўқувчилар озиқ-овқат, мах-сус кийим-бош билан таъминланадилар ва ойига 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия оладилар.

Машгулотлар гуруҳлар тўғрисида қараб бошланади. Қўйидаги адресда мурожаат этилин: Тошкент шаҳри, Ок-тябрь райони, Беруний кўчаси, 32-уй (7, 16, 15-трамвайлар; 11, 64, 31-автобуслар; 8, 18-троллейбуслар; 13-маршрут так-сисининг «Алоқа» бекати).

ОКТЯБРЬ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ (телефон 42-42-86). «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОК БИР-ЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва соат нурилиши — 32-55, 37, 32-53-83; санаят ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар ҳўналиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТ-
РИДА—23/IV да Анна Каренина,
24/IV да Травната.
ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА
ТЕАТРИДА—23/IV да Курорт,
24/IV да Юдузлик тулпар.
МУКИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
—23/IV да Лейли ва Мажнун,
24/IV да Мангун.
ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ»
ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IV да
Зар қадри, 24/IV да Зинулла.

КИНО

23 АПРЕЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ҚУРҚУВНИНГ» БЕШ ДА-
ҚИҚАСИ» — Восток (жуфт
соатларда, телефон 91-14-61).
«ВАЛЕНТИН ВА ВАЛЕН-
ТИНА» — Ўзбекистон ССР 25
йиллиги (17, 19, 21.00 теле-
фон 53-65-87).
«ИЛОН ТУТУВЧИ» —
ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт со-
атларда, телефон 33-44-52), Ли-
сунов номи (ток соатларда,
телефон 96-34-02).
«ИККИ ЕКЛАМА ҚОПҚОН»
М. Шайхзода номи (19.30,
20.45).

24 АПРЕЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ОДЕССА ЖАСОРАТИ» — Сан-
ат саройи (кичик зал, 12, 14.30;
телефон 44-21-34, 44-21-44).
«ҚУРҚУВНИНГ БЕШ ДАҚИ-
ҚАСИ» — Ватан (12, 14, 16, 18, 20,
21.30; телефон 74-30-38), Чайка
(11, 13, 15, 17, 19, 20.45; теле-
фон 77-06-20).
«ЕРГАЧА ТАЪЗИМ ҚИЛ» — Ўз-
бекистон ССР 25 йиллиги (13, 15,
17, 19, 21.00; телефон 53-65-87).
«ИЛОН ТУТУВЧИ» — ВЛКСМ 30
йиллиги (жуфт соатларда, теле-
фон 33-44-52), Ўзбекистон ССР 25
йиллиги (13, 15, 17, 19, 21.00; те-
лефон 53-65-87), Лисунов номи
(ток соатларда, телефон 96-34-02),
Тинчлик (13, 15, 17, 19, 20.45; те-
лефон 58-36-06).
«222-РЕЙС» — Санъат саройи
(кичик зал, 17, 19.30).
«ИККИ ЕКЛАМА ҚОПҚОН» —
М. Шайхзода номи (13.30, 16,
19.30, 20.45).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

ТОШКЕНТ
ОТЧОЛАРИДА
ҲАР ШАНБА ВА ЯКШАН-
БА КУНЛАРИ

САНОАТ
МОЛЛАРИНИНГ
САВДОСИ
УЮШТИРИЛАДИ

Ишлаш тартиби — соат 10
дан 17.00 гача.

Тошкент шаҳар савдо Бош
бошқармаси.
«Союзторгреклама» Бутун-
иттифоқ бирлашмасининг Ўз-
бекистон реклама агентлиги (те-
лефон 45-37-27).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИЗИЛ
ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ XV
СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Съезд 28 апрель соат 10.00 да
Бутуниттифоқ хирургия ил-
мий марказининг

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИДА
(Кенашлар залида)

ОЧИЛАДИ

Съезд делегатлари 28 апрель
соат 9 дан 20.00 гача Ўзбе-
кистон ССР Қизил Ярим Ой
жамияти марказий комитетида
руҳхатга олинади. Сулаймоно-
ва кўчаси, 33-уй (метронинг
«В. И. Ленин номи майдон»
станцияси, 1, 8, 10-троллейбус-
ларнинг «ОДО» бекати. Те-
лефонлар 33-65-27, 32-20-58,
33-07-37, 32-72-60.

Марказий дорихоналар омбо-
рининг коллективни бўлим му-
дир С. Раҳимовга тўрмуш
ўртоғи

ҲИМАТИЛА
ҚОШИМОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия изҳор қи-
лади.

Ўзбекистон ССР Фанлар ака-
демиясининг Шаршўулосин
институт коллективни наъди
хотим, тарих фанлари нли-
дати М. С. Тошмухамедовга
онаси

Муаттар
АЛИМЖОНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия изҳор қи-
лади.

«Ташкхелторг» коллективни
40-магазин мудири
Аҳмадали Усмонович
АЛИЕВНИНГ
вафот этганлиги чуқур қай-
гу билан билдириб, марҳумнинг
оила аъзоларига таъзия изҳор
қилади.

«Гавташкентстрот»га қараш-
ли 6-қурилиш трести ва 47-ку-
рилиш бошқармаси коллектив-
лари бошқарма бош ижнелери
З. Н. Ахромхўжаевга акаси
Зайнутдин

НУРИТДИНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия изҳор қи-
лади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КО-
ТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ-
НИНГ

Кинолаштириш бошқармаси

ТОШКЕНТ ШАҲАР
КИНОТЕАТРАЛARI ЭКРАНЛАРИГА
ЯНГИ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«Метрода учрашамиз»



Сценарий муаллифлари — А. ШУЛЬГИНА, В. СОКОЛОВ.
Режиссёр — В. СОКОЛОВ.
Ролларда: П. ВЕЛЬЯМИНОВ, Н. ИВАНОВ, Л. ОЗОЛИЯ,
Л. ПОЛЯКОВА, А. НЕВОЛИНА ва бошқалар.
Фильмда Ленинградлик метро қўрувчиларининг Улуғ Ватан
уруши йилларидаги жасорати ҳақида киноа қилинади.
«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«Ергача таъзим қил»



Сценарий муаллифлари — В. ЕЖОВ, В. ЛЮБОМУДРОВА,
Л. ОСИКАЛАР иштирокида.
Ролларда: С. СТАНОТА, Н. МАРКИНА, П. КОРМУНИН,
В. ФОКИН, Е. ПАШИН, А. СЕРДЮК, А. МОВЧАН ва бош-
қалар.
Фильм уруш вақтида ҳалок бўлган ўз ота-оналари номи бе-
рилган уч етим болани тарбиялаб юлгача етказган аёл ҳақида.
А. ДОВЖЕНКО НОМИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

«Одесса жасорати»

(2 серия)



Сценарий муаллифи ва режиссёр — В. СТРЕЛКОВ.
Ролларда: В. ШИЛОВСКИЙ, Н. ГУНДАРЕВА, И. СКЛЯР,
Р. ГРОМАДСКИЙ, К. СТЕПАНОВ ва бошқалар.
Халқ қахрамонлиги кино-драматика ҳақиқий воқеалар, ҳуж-
жатлар ва 1941 йил Одесса мудофаси қатнашчиларининг эсда-
ликлари асос қилиб олинган.
ОДЕССА КИНОСТУДИЯСИНинг МАҲСУЛОТЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети нашри-
етининг Ме